

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 92 (9.589) 2001 йил 8 август, чоршанба Сотувда эркин нархда

10

Шу азиз Ватан — барчамизники!



Гарчи Шайхонтоҳур номи Тошкентда бир неча асрлардан буён маълум бўлса-да, ушбу номдаги туман тарихий жиҳатдан олганда нисбатан яқин даврда — 1929 йили ташкил этилган. 2700 гектарлик ҳудудда кўна мазморий ёдгорликлар ва замонавий иншоотлар; авлоддан авлодга миллий қунарлар ўтиб келаятган маҳаллалар ва сўнгги технологиялар бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар бир-бирига узвий боғланиб кетган. 257,3 минг кишини ташкил этувчи шайхонтоҳурликлар ўз туманларини севадилар ва унинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

ШАЙХОНТОҲУР тумани

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



Кўришимиз мумкин. Тикувчилик, нон-булка ва қандолат маҳсулотлари асосий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қаторига киради. Товар маҳсулотларининг ҳажми ўтган йилга 8136,4 миллион сўмликни ташкил қилди. Туманда шунингдек 3.319 та кичик корхона мавжуд.

НИШОНДОР ҚУРУВЧИЛАР

Касбига меҳри пайваста

«Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратар», деган ажойиб нақл бор халқимизда. Чинданда хотин-қизларимиз оналик меҳри билан, бекалик садоқати билан оилани мустақамла-са, аёллик муҳаббати ва назокати, қалб ҳарорати билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишмоқ-да. Ҳар жабҳада бугун аёл куч-қудрати ўзгача на-моён бўлмоқда.



Ана шундай аёлларимиздан бири 30 йилдан буён она шахримиз — Тошкентни яшнатишга, юзлаб бунёдкорлик иш-ларини амалга оширишга муносиб ҳис-сасини қўшиб келаятган қурувчи Аль-фия Дилъявировадир. У бор маҳоратини, қалбидоғи қўрини ўз касбига, ундан баҳра оладиган одамларга бахшида этиш истагида меҳнат қилади. Айниқса, Мустақиллигимиз туфайли бунёдкорлар учун ҳам эркин яратиш, дилдагини маҳорат билан намоён этиш имконияти яратилганлиги қурилишда ўзгача бу-рили ясаганлиги ҳақиқат. Шу боис ҳам Альфия Дилъявирова ҳам Олий Махлис биноси, «Чорсу» савдо маркази, Хадра майдонидоғи замонавий турар жой би-нолари, Мустақиллик майдони сингари улкан қурилиш объектларида ўзгача кун-гайрат билан меҳнат қилди.

Чунки менинг фарзандларим — шу жо-нажон юртининг ўғил-қизларидир. Альфия қайси қурилиш ташкилотига ишламасин, меҳрибонлиги, ҳушқачқак-лиги, ўз ишнинг устаси эканлиги боис ҳам ҳурмат-эътибор қозонди. Ҳозир у «12-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 20-қурилиш бошқармасининг бўёқчилар бригадаси сардори. Ҳар гузаллиқни ёқтиргани боис ҳам назик дид билан ишлайди, ҳамкасбларидан ҳам шуни талаб қилади, ранг танлашга, унинг жилосини таъминлашга асосий эътибор-ни қаратади. Чаққон ва сифатли иш ба-жаришни ёқтиради. Бригада аъзолари-дан Эргаш Абдурахмонов, Муктор Зоир-ров, Екатерина Муҳаммадраҳимовлар унинг энг яқин маслаҳатчи ва қўмақчи-лари ҳисобланади.

— 19 ёшимда Тошкентга келганман, — дейди Альфия она, — шу ерда қури-лиш техникуминини тугатдим, оила қур-дим, уй-жойли бўлдим, одамлардан меҳр-оқибат кўрдим. Шунинг учун ҳам мен бу шаҳарни қадрлайман, унинг чи-ройи учун бор ғайратимни сарфлайман.

— Бунёдкорлик ишларида қатнаша-ётган 150 нафар қурувчининг ичиди Аль-фия Дилъявированинг ўз ўрни бор, — дейди қурилиш бошқармаси бошлиғи Абдишукур Исмоилов. — У ўз касбининг қадрига етиб, меҳрини, маҳоратини қурувчиликка бағишлаб қадр ва ҳурмат топаётган оқила аёлларимиздан.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жой-лашган Абдулла Қодирий номи истироҳат боғи Мустақиллигимизнинг қутлуг 10 йиллигида қайта таямланиб, 21,5 гектар майдонни эгаллайди ва яна ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилни дам оладиган масканига айланади.

Ушбу боғдаги бунёдкор-лик ишларини бош пудратчи «Паркентсувқурилиш» трести қурувчилари олиб боришмоқ-да. Шаҳримиздаги Бобур номи, «Боғи эрам» истиро-ҳат боғлари ҳамда «Шаҳидлар хотираси» майдони қурили-шида ўзгача фаоллик кўрсат-ган ушбу трест қурувчилари айни кунларда ҳам лойиха асосида бор маҳоратларини ишга солиб меҳнат қилиш-моқда. Трестга қарашли 1, 2, 3, 4, 5-кўча механизация колонналари ҳамда махсус механизация ишлаб чиқариш бошқармасининг 150 нафар-дан зиёд ва ёрдамчи пудрат-чиларнинг сай-ҳаракатлари эвазига бугунга келиб ер ости ишларини тўла амалга ошириш тугалланмоқда.

ишқибозларини ўзига чо-рлайди, уларнинг соғлом ва бақувват бўлишларига ёрдам беради.

Истироҳат боғлари, албат-та, болақонларнинг энг се-вимли масканларидан ҳисоб-ланади. Сўлим боғлар улар-нинг қўйқирқилари-ю шод-ликлари билан янада таро-олиб борилади. Лойихада қўзда тутилганидек боғда кат-та қўл ҳамда планетарий бу-ишқибозларини ўзига чо-рлайди, уларнинг соғлом ва бақувват бўлишларига ёрдам беради.

ТАДБИРКОРЛИК

Сифатига қафолат берилди

Туманда 3319 дан ортқ кичик ва ўрта бизнес корхона-лари ва хусусий тадбиркорлар фаолият юритмоқда. Улар қаторида «АВК» — кичик корхонаси ҳам ўзининг сиф-оли маҳсулотлари билан туман иқтисодий таъминоти-сиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Германиянинг «Антон Олверт» фирмаси билан ҳамкорликда-ги лойиҳани Миллий банкка тақдим этдик. 1999 йили лойиҳа тасдиқланиб «Осиё таракқиёт» банки томон-идан ўрғанилиб, 3 миллион 536 мингдан ортқ АҚШ дол-лари миқдорига кредит до-ллар таъминландик. Бу кредит билан корхона ўз қаддини тўла тиклаб олди. Германия ускуналари ўрнатилиб, бир соатда 5000 донадан «Касфар»



суви ишлаб чиқарила бош-ланди. Ҳозирги кунда кор-хонада 24 киши меҳнат қилади. Етти қават ер ости-дан чиқадиған сувнинг кор-хонамизда қайта ишланиб тоза ва сифатли «Касфар» сувиға айланшишда жамо-амиз ахлининг ҳиссаси катта. Сифатга алоҳида эътибор бер-ган ҳолда меҳнат қилаётгани-миз боис ҳам харидорларимиз мамнун бўлишмоқда.

XXI аср

Мамлакатимизда

Қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг бори-шини ўрганиш бўйича республика ишчи гуруҳи аъзолари Бухоро вилоятида бўлиб, гўза парвар-иши, деҳқонларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Вилоят ҳокимлигида текшириш яқунларига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

• Тошкентда Халқаро Олимпия кўмитаси (ХОК) шафелигида «Халқаро даражадаги юқори малака-лик баскетболчиларни тайёрлаш» мавзусида семинар бошланди. Унда соҳа мураббийи ва мутахассис-лари иштирок этмоқда.

ҲАМКОРЛИК

Истиқлол ҳақида суҳбатлар

Ўзбек ва ҳинд шарқшу-нос олимлари ўртасида йўлга қўйилган алоқалар самарали бўлмоқда. Тош-кент Давлат шарқшунос-лик институти профессор-ўқитувчилари ҳинд мута-хассислари билан ўзаро ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришмоқда.

ҚИСҚА

сўзларда

□ ИСТИҚЛОЛ айёмига му-носиб тўғра ҳозирлаш мақсади-да «Тошкент шаҳар телефон тар-моғи» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти хизматчилари оптик толали алоқа тизимиға ўтиб иш-лашни лозим топшиди. Янги ис-тиқлол кунларда Ҳамза тумани ва Тошкент вилоятининг Қибрай туманида 2000 абонент учун янги алоқа линиялари ишга тушири-лади.

10 ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

КҮНГУЛ ИСПЛАМ

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қашқароли,
Ўзбекистон халқ шоири

Мамлакатимизнинг энг азиз байрами — Мустақиллик куни арафасида ўтган 10 йилликка назар ташлар эканмиз, ҳаётимизни жуда улкан, туб ўзгаришлар камраб олганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг асосий моҳиятини эса ҳар бир ўзбекистонлик осойишта ва фаровон яшаши учун тараққиёт, энг янги, энг илғор нарсаларни ўзлаштиришга интилиш ташкил этади. Албатта, мамлакатимиздаги келажак сари бундай интилиш жараёнида пойтахтнинг ҳар бир тумани қатнашмоқда. Бинобарин ҳар бир туманининг ўз бетакор қиёфаси, маҳсулоти, тарихининг ўзига хосликлари мавжуд. Шайхонтохур тумани ҳокими Мирқамол ОДИЛОВ билан суҳбатимиз ҳам туманининг бугунги ва эртанги кунини тўғрисида бўлди.

— Туманда ёшлар кўпчилиги ташкил этади. Келажак тўғрисида гапирганда албатта уларни четлаб ўтолмаймиз. Ёшларнинг қизиқиши ва манфаатлари қандай қондирилмоқда?
— Ёшлар билан боғлиқ икки асосий масала, бу — уларнинг ўқиши ҳамда ўқидан кейин иш билан таъминлашдир. Туманимизда Тошкент архитектура-қурилиш институти, кимё-технология институти ва Тошкент Ислам университети каби учта олий ўқув юрти, иккита тиббиёт коллежи, қурилиш коллежи ва хотин-қизлар коллежи жойлашган. 850 ўринли академик лицей очилган. Ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишга тадбиркорлик, хусусий ташаббуснинг риёвжантирилиши ёрдам беради. Туманда ўрта ва кичик корхоналар мавжуд. Туманда жойлашган санаят корхоналарига ҳам

Бу Ватанда бир Ватан қурмоқни истайдир кўнгул,
Ўзи озод қуш каби қурмоқни истайдир кўнгул.
Бу Ватан тилмоли бўлса
Тонг кўёши шувалвор,
Шуваллар қўнида чарх —
Урмоқни истайдир кўнгул.
Ул Ватанга байроқ — инсоф,
Ади — тугро, муҳр — меҳр.
Сарҳадида соқчидек
Турмоқни истайдир кўнгул.
Ким бу тугроқ қадрич истар
Айламоқ тугроққа тенг,
Кўзига тугроқ билан,
Урмоқни истайдир кўнгул.
Ул Ватан елканларини
Маърифат уммонида
Қиблаи имон сари
бурмоқни истайдир кўнгул.
Бас, етар ёлгон саодат
ёлгон эрк, ёлгон Ватан,
Хуррият завқини чин
сурмоқни истайдир кўнгул.
Қутлуғ истиқлол кунда,
Эй Ватан, бағрингда шод,
Эркин ўғлонинг бўлиб
юрмоқни истайдир кўнгул.

Яхши ишласак фаровон яшаймиз

— Туманда ёшлар кўпчилиги ташкил этади. Келажак тўғрисида гапирганда албатта уларни четлаб ўтолмаймиз. Ёшларнинг қизиқиши ва манфаатлари қандай қондирилмоқда?
— Ёшлар билан боғлиқ икки асосий масала, бу — уларнинг ўқиши ҳамда ўқидан кейин иш билан таъминлашдир. Туманимизда Тошкент архитектура-қурилиш институти, кимё-технология институти ва Тошкент Ислам университети каби учта олий ўқув юрти, иккита тиббиёт коллежи, қурилиш коллежи ва хотин-қизлар коллежи жойлашган. 850 ўринли академик лицей очилган. Ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишга тадбиркорлик, хусусий ташаббуснинг риёвжантирилиши ёрдам беради. Туманда ўрта ва кичик корхоналар мавжуд. Туманда жойлашган санаят корхоналарига ҳам



Ёшлар — келажакимиз

— Мирқамол Азизович, Шайхонтохур туманининг бетакор ва ўзига хос томонлари бор — бу ерда тарих ва ҳозирги замон ўзаро юзлашади. Бунда тарихий ардоқлаш ва замон билан ҳамқадам тарзда одимлаш керак. Бунга қандай эришялсизлар?
— Гапингиз тўғри. Шайхонтохур тумани Тошкент шаҳридаги энг қадимий туманлар сирасига кирди. Шу билан бирга у жадал ривожланмоқда. Шаҳар қурилишининг 2010 йилгача мўлжалланган бош режасига кўра Шайхонтохур туманига мўҳим ўрин ажратилган. Бинобарин, бунда ҳам янги иш-отларнинг қурилиши, ҳам эскиларини қайта тиклаш, ҳам қўнча ёд-ғорликларни таъмирлаш ишлари кўзда тутилган.

— Туманда ёшлар кўпчилиги ташкил этади. Келажак тўғрисида гапирганда албатта уларни четлаб ўтолмаймиз. Ёшларнинг қизиқиши ва манфаатлари қандай қондирилмоқда?
— Ёшлар билан боғлиқ икки асосий масала, бу — уларнинг ўқиши ҳамда ўқидан кейин иш билан таъминлашдир. Туманимизда Тошкент архитектура-қурилиш институти, кимё-технология институти ва Тошкент Ислам университети каби учта олий ўқув юрти, иккита тиббиёт коллежи, қурилиш коллежи ва хотин-қизлар коллежи жойлашган. 850 ўринли академик лицей очилган. Ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишга тадбиркорлик, хусусий ташаббуснинг риёвжантирилиши ёрдам беради. Туманда ўрта ва кичик корхоналар мавжуд. Туманда жойлашган санаят корхоналарига ҳам

Мадҳиямиз янграганда

Ўйини мусобақалари, спортнинг ракета-модель тури бўйича Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика биринчилиги мусобақаларида қатнашиб 1-ўринни, биатлон тури бўйича Чирчиқ шаҳрида ўтказилган ёзги шаҳар биринчилиги мусобақаларида иштирок этиб унчинчи ўринни эгалладилар. Ҳозирги кунда туманда спортнинг техник тури бўйича шугулланган ёшларнинг сони 800 дан ортиб кетди. Жумладан, ракета-модель бўйича 42 та, ёзги биатлон бўйича 15 та ёш спортчилар мунтазам шугулланиб келмоқдалар. Бу ёш спортчилар туман ва шаҳар мусобақаларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб туман раёнага ўзларининг нуноси ҳиссаларини кўшмоқдалар. Ҳа, Ватан қибагоҳи каби мўстабар. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши аъзоларининг шiori шундай: мамлакатимиз ёшлари ўн икки юлдузу ойи акс этган мўқаддас байроғимиз кўтарилиб, Ўзбекистон мадҳияси янграганда бошларини баланд кўтариб, ўзларининг мана шу мустақил юрт фарзанди эканликларидан фахр-ифтихор туйғуларига юртимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб, бутун кўн-ғайратларини энг тараққий этган давлатлар қаторидан тезроқ жой олишимиз учун сарф этсинлар.

Тошкентликларга Эски шаҳар сифатида маълум бўлган туманининг тарихий қисмида қайта қуриш ишлари кетмоқда. Ушбу жараёнда Қўқалдош мадрасасига туташувчи ҳудуд ўз тарихий қиёфасини сақлаб қолиши мўлжалланмоқда. «Эски Жўва» бозорига ҳам қайта қуриш ишлари кетмоқда. Бу ерда гўшт-сут ва миллий ширинликлар янги корпуслари қад кўтармоқда. Миллий ширинликлар корпусини

— Шайхонтохур тумани ва пойтахтимиз аҳолисига Мустақиллик байрами арафасида қандай тилаклар билдирасиз?
— Тинчлик, фаровонлик ўз тумани, шаҳри, мамлакатни раванга кўчириш ва мамлакатнинг ҳар қиллиги учун ҳормай-толмай меҳнат қилиши тилардим. Барча муваффақиятларининг факат ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва савий-ҳаракатларимизга боғлиқ.

МАҲАЛЛАНИНГ — ОТА-ОНАНГ

Жонга малҳам

Булбул чаманини севади, инсон Ватанини. Бизнинг жаннатмақон Ватанимиз бор. Биз аввало шу мустақил, озод ва бепоён, бахтиёр ва гулгун Ватанимиз билан бахтиёримиз. Ҳар бир тирик жон борки она оғушида, она меҳри билан ўсиб вояга етади. Она юрт инсоннинг бахт-саодати, ифтихори ва севинчидир. Ватан ичра кичик ватан саналими маҳалла ҳам одамларнинг бошини қовуштирадиган, турмуш маданиятини шакллантиришда катта роль ўйнайдиган, меҳр-муруват каби эзгу фазилатлар, азалий удумларимиз қарор топган мўқаддас маскан. Туманда жойлашган 48 та маҳаллада олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар айнан «Ватан — сажда-гоҳ каби мўқаддас»-дир. «Ўз уйингни ўзинг асра» каби улуг ва эзгу ниятларни ёшларга сингдириш, мустақил буюк неъмат эканлигини тушутиришга қаратилган. Туманда жойлашган «Янги Қамолон» маҳалласига кириб борганимизда пиру давлат, юз-кўзларидан меҳр ва бугунги кунга шукроналик ёғилиб турган отахонлар дара қуриб, бир пайла чой устида гурунги қилиб ўтирганларнинг гувоҳи бўлдик. — Маҳалламизда 5850 та аҳоли, 1300 хонадон истиқомат қилади. 18 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, кўп миллатли халқимиз бир оила фарзандидек тинч, аҳил яшаб келмоқда. — дейди маҳалла оқсоқоли Қажҳор ака Содиков. — 1995 йилда мана шу шинама маҳалла гузари қурилгандан бери атрофимиздаги Эшонгузар, «Қамолон», «Катта Бог» маҳалласи билан ҳамкорликда барча тадбирларни ўтказиб келмоқдамиз. Маҳалламиз аҳли барча юмушларда: ободонлаштириш, қўқалдорлаштириш ишларида ва ҳаётларда бахонидил қатнашиб, келмоқдалар. Мана кўриб турганимиз кўн-қўк ва мевали боғимизда: анжир, шафтоли, узум ва бошқа мевалар шигил ҳосилга кирди, қўрган кишининг баҳри дили очилади. Маҳалламиздаги кам таъминланган 30 дан ортиқ оилани, қарияларни, ногиронларни, уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаш, хolidан хабар олиб, меҳр-муруват қўрсатиш доимий вазифамизга айланган. 11 та маҳалла фаоли билан бамаслаҳат иш кўрамоқда. Маҳалламизда жойлашган 34, 84-мактаб ва боғча билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Яқинда маҳалла номидан 34-мактабга 165 минг сўмлик 270 та китоб совға қилинди. Уй-жой, коммунал тўловларда ҳам кам таъминланган оилаларга ёрдам қўрсатилди. Яқинда маҳалламизда футбол майдончасини ташкил қилдик, у ерда кўзимиз нури болажонларимиз спортнинг ҳамма тури бўйича шугулланмоқдалар. Мунтазам спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Шу кунларда эса ёнимиздаги бўш ётган майдончада «Бўталок» деб номланган болалар спорт майдончаси қуриш ниятидамиз. Бу бизнинг оналар ва болалар йиллида келажакимиз мевалари бўлмиш фарзандларимизга совғамиз бўлади. СУРАТЛАРДА: «Янги Қамолон» маҳалласининг табарруқ оқсоқоллари; маҳалла гузари. Сергей Любич олган суратлар.

МАЪНАВИЯТ

Юракда ғурур ва ифтихор бўлсин

Маънавият одамзотнинг, эл-юртнинг, жамиятнинг куч-қудратидир. Мустақиллик, Наврўз, Конституциянинг байрам қилиниши, бобокалонларимиз Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Бобурнинг таваллуд саналари, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг 1225, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200, беназир мусавир Қамолддин Бехзоднинг 545 йиллигига бағишлаб ўтказилган барча тадбирлар келажакимиз давомчилари бўлган ёшлар қалбига чуқур из қолдириши шубҳасиз. Бу борада туман «Маънавият ва маърифат» маркази ҳам ўз фаолиятини соғлом жамиятда маънавий соғлом авлод яшаши лозим деган нақлга амал қилган ҳолда олиб бормоқда. Корхоналарда, маҳаллаларда,

олий ва ўрта махсус ўқув юртралида, соғлиқни сақлаш ва бошқа ташкилотларда шу кунгача «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи бўйича, Ўзбекистон Конституциясини ўрганиши, оналар ва болалар йилга бағишлаб ва бошқа турли мавзуларда қатор суҳбатлар, маърузалар, илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Бугунги кунда туманда 3 та маданият уйи, 3 та мусика мактаби мавжуд бўлиб уларда 1180 ўқувчи мусика сирларидан таълим оладилар. Ёшларни зиё нурларидан баҳраманд қилувчи кутубхоналар сони 11 та, билим сирларини ўзида жамлаган 1302 та китобларга эга «Маънавият ва маърифат» маркази ўз иш фаолиятини туман маданият ишлари, халқ таълими бўлими ва «Маҳалла», «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда иш олиб бормоқда.

НИЯТИМИЗ — ОЛИЙ ХИЗМАТ

Эски шаҳар ёшармоқда. Мана шу сўзларни эшитган ҳар бир ҳамшаҳримиз албатта бу сўзлар Шайхонтохур туманига қарашли эканини сўзсиз англайди. Аини вақтда туманда жуда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари олиб борилмоқдаки, қулай, бежирим ва кўркам қилиб қурилаётган ушбу бинолар яқинлашиб келаятган улуг байрамимизга муносиб тўхфа бўла олади. Улкан қурилишлар қаторига ҳозирда қизғин иш бораётган Бош университетнинг биносининг тўла таъмирдан чиқарилиб «Чорсу» савдо марказига айлантирилишини келтириш мумкин. Бу ерда «12-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 50-, 52-, 20-, 65-қурилиш бошқармаларининг бунёдкор қурувчилари жонбозлик қўрсатиб меҳнат қилдилар. Ҳозирги кунда ушбу бинода охири пардозлаш ишлари

ниҳоясига етказилмоқда. — «Элга хизмат — олий ҳиммат», деган нақлни дилга жо қилиб иш бошлаямиз, — дейди «Чорсу» савдо маркази акционерлик жамияти раиси Равшан Абдумажитов. — Харидорсиз хувиллаб қолган ушбу бинони барча қулайликларга эга савдо марказига айлантириш учун анча меҳнат қилинди. Бинонинг 1-қавати тамаки ва гилам маҳсулотлари, 2-қаватида спиртли ва яхна ичимликлар, ниҳоясига етказилмоқда. — «Элга хизмат — олий ҳиммат», деган нақлни дилга жо қилиб иш бошлаямиз, — дейди «Чорсу» савдо маркази акционерлик жамияти раиси Равшан Абдумажитов. — Харидорсиз хувиллаб қолган ушбу бинони барча қулайликларга эга савдо марказига айлантириш учун анча меҳнат қилинди. Бинонинг 1-қавати тамаки ва гилам маҳсулотлари, 2-қаватида спиртли ва яхна ичимликлар,



Бу ерда тарих «яшайди»

Бу ерда тарих «яшайди»
Шайхонтохур тумани бўйлаб бораркансиз, гарчи у расман 1929 йилдан буён туман сифатида мавжуд бўлса-да тарих билан ёнма-ён одимлайсиз. Уша пайларда туман Эски шаҳар номи билан аталарди ва унинг асосий ҳудуди айнан пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган. Шайхонтохур тумани маркази бўлмиш ўрда (ҳозирда Усмон Юсупов кўчаси) эски ва янги шаҳарларни ажратиётурди. Янги шаҳарда маъмурий бинолар жойлашган бўлиб юқори мартабали шахслар ва ҳукумат аъзолари истиқомат қиларди. Ҳозирги кунда кўп нарса ўзгарди, бироқ ўрда ҳамон тарих ва замонавийликни ажратиб турувчи ўзига хос чегаралигича қолди, десак адашмаймиз. Шайхонтохур тумани номи (макбараси Ислам университети ёнида бўлган) буюк олим шайх Ҳованд Тохур шарафига қўйилган. Туман ҳудудида узоқ тарихга эга бўлган маҳаллалар жойлашган. Чунончи, «Кўкча» маҳалласининг ёши 800 га етди. Унинг номи «Яшил тепалик» маъносини билдиради. Сўфийлик тарихининг машҳур вакили номига қўйилган «Зангиота» маҳалласининг «ёши» эса бир оз кичикроқ. Шубҳасиз «Самарқанд дарвоза» Шайхонтохурнинг энг машҳур маҳалла-си ҳисобланади. Бу ерда бир пайлар шаҳардаги 12 дарвозанинг биттаси қурилган. Ушанда фақат ушбу дарвозалар орқалигина шаҳар ҳудудига кириш мумкин эди. Ўтган вақт давомда дарвозалар бузилиб кетди, бироқ уларнинг айримлари, хусусан «Самарқанд дарвоза»га кириш дарвозаси тикланди ва ҳамшаҳарларимиз уларни завқ билан томоша қилишлари мумкин. Яна шундай дарвозалардан бири — «Кўкча дарвоза» эса «Кўкча» маҳалласида жойлашган. «Чорсу» бозори ҳам Шайхонтохур туманининг яна бир тимсоли ҳисобланади. Ҳозир



Энг кучли курашчиларимиз аниқланмоқда

Илгари хабар берганимиздек, ёш курашчиларимиз жажон чемпионати олдида...

вон даявогарлик қўлмоқда. Қизғин шундаки, спортда кутилмаган воқеалар...

суров, Б.Қосимбетов, М.Абдурахмонов каби ёш, умидли полвонларнинг имкониятлари юқорироқ кўринади...

«ОЙНАИ ЖАҲОН» ДА

Table with TV channel logos (TV, OSHLAR, RTR, TV6, ACT) and a list of programs for Friday, July 11.

Table with TV channel logos and a list of programs for Friday, July 11, continuing from the previous table.

ХОТИРА ЙЎНСА ГЎЗАЛДИ

Ўйингоҳда тўплар ёмғири

Тошкент шаҳри ва Жиззах вилояти жамоалари ўртасидаги дастлабки ўйин жуда қизиқarli ва ҳужумкор руҳда ўтди...

Table with TV channel logos and a list of programs for Friday, July 11, including sports and entertainment.

ТАНЛОВЛАР

«XXI аср маликалари»

Шаҳримизнинг энг хушманзара ва бўлим гўшаларидан бўлими Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида энг улуг ва энг азиз байрамимиз...

Table with TV channel logos and a list of programs for Friday, July 11, including the 'XXI Century Beauties' contest.

«Ўзбекистон гўзали-2001»

«Туркистон» саройида гўзаллик ва нафосат байрами — «Ўзбекистон гўзали-2001» кўрик-танлови бўлиб ўтди...

«ХАМКОРБАНК»

«Хамкорбанк» Тошкент филиали янги «Истиқлол» омонат турини тақдим қилади...

Мурожаат учун манзил: Олмасор даҳаси, Фуқрат кўчаси, 14-уй. Тел: 45-62-33.

Халқлар Дўстлиги саройи ёнида Сизни ўз миждозлариниз сафида кўришдан хурсандимиз!

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209.

Хажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2.

Бюролма Г-2707.

Бўжиб дунё

Ойдан ер участкаси

Литвалик тadbirkор Андрос Брадженис Ойдан 4047 квадрат метр ер участкаси сотиб олди...

Хавфли «учувчи»

Гавайяга учётган самолётлардан бирининг стюардессаси учувчиларга шуни маълум қилди: «Борда каламуш бор!»...

Ўзбекистон гўзали-2001

«Туркистон» саройида гўзаллик ва нафосат байрами — «Ўзбекистон гўзали-2001» кўрик-танлови бўлиб ўтди...

«ХАМКОРБАНК»

«Хамкорбанк» Тошкент филиали янги «Истиқлол» омонат турини тақдим қилади...

Мурожаат учун манзил: Олмасор даҳаси, Фуқрат кўчаси, 14-уй. Тел: 45-62-33.

Халқлар Дўстлиги саройи ёнида Сизни ўз миждозлариниз сафида кўришдан хурсандимиз!

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209.

Хажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2.

Бюролма Г-2707.

Босмага топшириш вақти 11.30

1 2 3 4 5 6

Advertisement for 'Boш muхаррир Акмал АҚРОМОВ' with contact information and address.

Advertisement for 'Телефонлар' with contact numbers and address.

Advertisement for 'Шарқ' newspaper with contact information and address.